



Жузъ ва кулл фалсафаси



Фано бўлсанг, “менинг зотимдан мусаффо бўласан”, кавну макон сеники бўлади.
Дунёвийликни орадан кўтарсанг — бутун оламларни камраб оласан. Шунда аввалу охир
деган тушунчалар колмайди, замон ва макон ўлчовидан ташкарида бўласан.

“Яке шав, Боязиду бас маро бин, Даруни жузву кулл айна бако бин” (Боязид, фано
бўлиб вахдатга — бирликка айлангин-да, кейин мени кўргин, ўзингни — қисмни бутун —

кулл ичида кўргандай, бако — абадият ичра кўргин). Бунда ҳам Мансур бакога айланган зот сифатида намоён бўлмоқда. Атор фонийлик ва бокийликни бир-биридан кескин ажратмайди. Биринчидан, фонийлик деганда тасаввуфда Холикдан ўзга ҳамма нарса, яъни махлукият оламининг бебаколиги, ўткинчилиги англашилади. Жумладан, инсон вужуди ҳам тупрокдан бўлгани учун фонийдир. Аммо рух абадийлик топиши мумкин, чунки у Мутлак рухнинг жузъи. Лекин рух жисмдан ажралмасдан ҳам шу мартабани эгаллаши мумкинми? Мумкин, дейди тасаввуф ахли. Агар инсон камолоти олий даражага кўтарилиб, у Хакка восил бўлган бўлса, айнан мутлак фонийлик, яъни илохий маърифат, хикмату до-ниш-ла лиммо-лим бўлиб, моддий вужудни унутиб, рухий-илохий вужудга айланиши мумкин. Шахсий “мен”нинг кайхоний “Мен” билан бирлашиши, кайхоний Рух киёфасини олиши камолотнинг олий даражаси хисобланади ва шу мартабада инсон Абадият деб аталмиш бепоён мухитга кўшилиб, бокийлик топади. Шунда илокийлашган Инсон кишилар кўзига турли киёфада кўриниши мумкин, у жавхари зотнинг айна хакикати, айнул-якин бўлиб, гоҳ одамларнинг эгзу ишларида, гоҳ мангулик хилкатида, гоҳ муайян сўфий сиймосида аёнлашади. “Жавхаруз зот” дostonининг “Мансурнинг киссаси ва унинг хар хил навъда кўриниши” деган бобида келтирилади:

Даруни жузъу кулл хуршиди рахшон,
Чунон гум дид худ андар сифот ў,
Ки пайдо шуд хакикат айна зот ў,
Чунон худ дид дар охиру дар аввал,
Касе андар яке сурат мубаддал.
Чунон андар яки бинмуд жонаш.
Ки сурат гашт андар жон нишонаш.
Чунон худ дид андар офариниш,
Ки ў буд бешаке дар жумла биниш.
Чунон худ дид зоти лоязоли,
Ки бинмуда рухаш дар жумла холе.
Чунон худ диду худро жумла худ дид,
Ки сурат махв шуду кулли ахад дид.

(Жузъ ва кулл ичида порлаган куёшдай, ўзини сифатлар ичра шундай сингиб, йўқолиб кетгандай кўрдик, пайдо бўлганда хакикатдан айна зотнинг ўзи эди. Ўзини аввалу охир, яъни узлуксизлик холатида кўрдик, бир шаклга айланганлигини сезди. Жони бирликда шундай кўриндик, сурати — хилкати жон ичида кўрина бошлади. Яратилишда ўзини шундай холатда кўрди-ки, барча дийдаларда, кўзларда у бор эди. Ўзини шундай завол билмас зот сифатида кўрдик, юзи барча ашёда турли холатларда кўринарди. Ўзини мана шундай кўрдию, барчани Ўзидан кўрди, чунки сурати йўқолди ва барчани бир — ахад кўрди).

Аторнинг фалсафий мухокамалари шу тахлит чуқурлашиб, мураккаблашиб бораверади. У “жузъ” ва “кулл”, яъни бирлик ва умумийлик тушунчаларини кўп кўллайди. Бу икки тушунча фалсафанинг асосий категорияларидан эканини биламиз. Жамики ашёлар, ходиса ва сифатлар яккалик, алохидалик ва умумийлик конуниятига бўйсунди. Яккалик ва умумийлик ўзаро зид ва айна вақтда ўзаро вобаста категориялар. Яккаликсиз умумийлик ва умумийлиги бўлмаган яккалик йўқ. Хар бир яккалик (жузъ)да умумийнинг хусусияти мавжуд, табиий равишда умумийлик яккалик хусусиятларининг жамидир.

Яккалик аксар конкрет шакллар, сонлар, сифатларга, ашёларга караб фикримизни йўналтирса, умумийлик мавхумлик томон бизни етаклайди, абстракцияни талаб килади. “Кулл” ва “жузъ” тушунчалари оркали Аттор вахдат ва касрат оламини ифодаламочки, албатта. Мансур ва минглаб, миллионлаб Мансурлар ҳам жузъдир. Аммо айна вақтда уларда вахдат оламининг — умумийликнинг хусусияти мавжуд. Инсон ҳам, колган дунёвий махлукотлар ҳам илохнинг сифатлари ва асмо (исмлари)дан иборат. Мансур рухий-маънавий тараккиёт боскичларини забт эта бориб, касратда кўринган сифатлардан ошиб, уларни буткул ўзида мужассамлаштириб, вужуди йўқолиб, зот сифатида қайта пайдо бўлди; аввал турли суратларда, холатларда эди (ўзгариш, қариш, ахволнинг турли хиллиги ва хоказо), илохийлашгач, бир рангда, бир холатда намоён бўлди, дейди шоир. Бугина эмас, инсон Мансур каби илохийлашган мартабани эгаллагач, жони танаси ичида эмас, балки танаси жонининг ичида кўринадиган бўлади, яъни бутун вужуди жон-рухдан иборат бўлади. Жузъий рухнинг умумийлик касб этишининг хосияти мана шунақа. Аттор, шунингдек, “хакикат”, “яки” (бирлик, вахдат), “жамъ” сўзларини кўллаганда ҳам Улуг тангрининг сифатини, азалий ва абадий Мутлак рухнинг вужудини тушунади. Аммо мухими шундаки, Аттор ҳақ ва хакикат хақида гапирганда, ҳам-мавақт инсонни кўздан кочирмайди, мазкур тушунчаларни инсон мохиятига боғлаб тушунтиради. Инсон унинг диккат марказида. Инсон хусусиятидан келиб чиқиб илохий хақида сўз юритади. Чунки тасаввуф аҳли учун, жумладан Аттор учун ҳам, асосий масала инсонни инсонга англантиш, инсонни тушуниш эди. Инсон ким? Унинг буюклиги ёки ожизлиги нимада, унинг хилкати қандай тузилган, вужуди нимадан иборат? Ана шундай қадимий ва абадий масалалар тасаввуф таълимотида турли муносабат билан, ҳар хил усул ва мисоллар оркали талкин ва тафсир қилиб келинган. Тавҳид мохияти ҳам, хакикат ҳам охир-оқибат инсон мохияти ва хакикати билан изоҳланган. Зеро, инсон бўлмаганда мазкур масалаларнинг ўзи пайдо бўлмаган, ҳатто илох хақида гапиришга ҳам, тафаккурий изланишлар, тажриба ва кашфиётларга ҳам ҳожат қолмасди. Илохийни таниш ва ўрганиш — бу аслида инсон руҳини ва унинг хусусиятларини ўрганиш ва таниш демак. Фаридиддин Аттор наздида ҳам тавҳид катраси ҳам тавҳиднинг ўзи:

Чу дар тавҳиди жонон дар якием,
Яки жавҳар кулл бешакием.
Чу дар тавҳид жуз яки надидам,
Якиро дар яке яки гузидам.

(Жонон — худо тавҳидида бирликдамиз, Кулл-умумият жавҳарининг ягонасилигимиз шаксиз. Тавҳидда ягоналик — бирликдан ўзга нарса ни кўрмадим. Вахдат — ягоналикни ягоналикдан ягона деб танладим).

Тавҳид тимсоли — Мансур, унинг вужудида илохий асрор ҳам акс этган.

Манам тавҳиди ёру сиру асрор,
Манам дар жисму жон бинмуда гуфтор.

Тавҳид — бирлашиш инсоний хакикатнинг тўла юзага чиқиши, яширин хазина эшигининг очилишидир. Инсо-ний хакикатни кашф этиш оркали илохий хакикатга эришилади, шунинг учун хакикат — бу Ёрни кўришдир.

Хакикат чист ? Жонон дидан инжо,
Дуйи бигзоштану онгох якто.
Хакикат чист ? Жуз якто шудан зуд,
Чу дур дар бахри хам якто шудан буд.

(Хакикат нима? — Жонон — худони кӯриш бунда, сену менликни тарк этсанг, унда бир бўласан, хакикат нима? — Тезда бир бўлмок факат, Дур каби вобасталик денгизида ягона — бир бўлмокдир).

Атторнинг “жонон дидан инжо” (жононни кӯриш бунда) деган фикрига диккатингизни каратмокчиман. Чунки шоир бу оркали, менимча, жонон, яъни илох васлига шу дунёда етиш мумкинлиги хакида гапирмок-да, вахдат тириклигида содир бўлиши мумкин. Шунинг учун Хакикат, Бирлик, Вахдат, Тавхид, Аналхак тушунчаларини баравар кўйиб, бирини иккинчисига боглаб шархлаган ва илохий курбни топган киши йўлида пардаларни бир-бир узоклаштириб борар экан, “маънида Мансур суратига айланиши” ёки “буд” — вужудий борликни махв эта бориб, суратдан кутулганда шоир “Мансур кўзидан ўзга ҳеч нарса колмаслиги” хусусида ёзиб, ўзини хам Мансур Халлож билан бирга деб билади, Мансур мартабасидаман, мен хам Хакикатман деб айтади:

Хакикат чист ? Чун Аттор будан,
Хамиша вокифи асрор будан...
Хакикат чист ? Аз жон бигзар, эй дўст!
Чу диди ин замон Аттор, кулл ўст.

(Хакикат нима? Аттор каби бўлиш. Хамиша сирлардан огох бўлиш. Хакикат нима? Эй дўст, жондан кеч, бу дам Атторни кўрдингми, кулл — ўша).

Мансур хам, Аттор хам — хакикат, бошқача айтганда, жондан кечиб жононга етган, маънилар тажассумига айланган ҳар бир “вокифи асрор” инсон ҳақдир. Атторнинг ўзини Мансур билан тенг кўйиши бежиз эмас, зеро Мансур руҳи Атторнинг мураббийси, илхоми ва калб чирогидир. Алишер Навоий “Насойимул мухаббат”да ҳазрат Жомийдан таржима килиб келтиради: “Ва Мавлоно Жалолиддини Румий сўзлари мазкурдурки, Шайх Мансури Халлож нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий килди ва унинг мураббийси бўлибдур”-

Шунинг учун Фаридиддин Аттор шеъриятини Мансур Халлож фалсафасининг назмий тафсири деб айтиш мумкин. Мансурни канча чуқур ўргансак, Аттор асарларини таҳлил этиш оркали Мансур эътиқоди ва таълимоти моҳиятига етиб борамиз. Шоир илохий сирни кашф этганига ишончи комил ва бундан ниҳоят хурсанддир:

Зихи Аттор каз сирри илохий,
Намуди айни дийдору ту шохи.
Зихи густохи бар асрори маъни,
Ту хохи дид ҳақ — изхори маъни.
Аёни восилони дар жаҳон ту,
Ки бинмуда чунин сири аён ту.

(Баракалла Аттор, илохий сирдан кўзга аёнлик кўргаздинг, шу боис сен шохсан.
Маънолар сирига интилиб, густохлик (беадаблик) килишинг хам яхши, сен

хакни-маънолар изхорини кўришинг мукаррар. Жахонда сен васлга етганларнинг тимсоли — гавдаланган шаклисан, шунинг учун ҳам бундай сирни аён кила олдинг).

Нажмиддин Комиловнинг
"Тасаввуф" китобидан

Касрат ва Вахдат

Аттор дostonлари ўз тузилиши, ёзилиш хусусиятига кўра куйидаги икки гуруҳга бўлинади: рамзий-аллегорик тимсоллар асосида ёзилган асарлар ва бевосита муҳокама-мушоҳада, фикрий-шуурий баёнлар тарзида ёзилган асарлар. Биринчи гуруҳга "Булбулнома", "Мантукут тайр", "Уштурнома" асарларини, иккинчи гуруҳга "Жавхаруз зот", "Хайлож", "Асрорнома", "Шархул калб", "Мушибатнома" каби дostonларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, "Хусравнома"га ўхшаш мажозий ишкнй куйлаган романтик-саргузашт асари ҳам бор. Шоирнинг аксар асарлари кўпдан-кўп ички хикоятлар, масал ва тамсиллар билан бойитилган. Хикоятлар фалсафий мушоҳада ва фикрларни образлар орқали исботлашга хизмат этади. Биргина "Илохийнома"да уч юздан ортикхикоят ва кисса мавжуд. Аммо Фаридиддин Аттор дostonлари қандай усулда ёзилганидан катъи назар, уларнинг барчаси илохий маърифат асрори ва уни англаш мушкilotига багишланган. Гоҳрамзий-тамсилий йўсинда, гоҳ хикоятлар талқини орқали, гоҳ ўзининг хаяжонли, лекин ёрқин шеърий сатрлари орқали у тасаввуф ва тавхид илмининг нозик масалалари, тарикат мақомоти, покланиш жараёни ва рухий такомиллик даражалари, юксалиш шавқи ва дардини тасвирлаб беради. Масалан, икки қисмдан иборат "Жавхаруз зот" асарида аввал бутун рухий ва моддий оламлар ягоналиги, яъни Вавдат олами ва мутлак Холикият кудрати таърифланади. Сўнгра шу вахдат олами ичра Инсоннинг ўрни, Инсон хилкатининг мохияти тушунтирилади, ўзини ва Холиқини таниш йўллари, изтироб-азият, тажриду тафрид босқичини босиб, Хакка кўшилиши тасвирланади. Ва тавхид асрорининг бу тасвири асардаги муқаддимавий боблар хисобланмиш наът-хамдлар билан тўғридан-тўғри боғланиб кетади. Шоир гарчи асарни бобларга ажратиб, алоҳида сарлавхалар билан кўрсатган бўлса-да, бироқ мундарижада изчилликни кўрмаймиз. Бошқача айтганда, муаллиф тавхид ҳақида фикрларини ҳар гал янги сўз, янги ифода, янги ишоралар билан тўлдириб, чуқурлаштириб бораверган.

"Жавхаруз зот" асари бундай бошланади:

Ба номи, он, ки нури жисму жон аст,
Худойи ошкороу нихон аст.

(Жисм ва жоннинг нури бўлган зот номи билан, ошкоро ва яширин бўлган худо номи билан бошлайман).

Бундай муқаддиманинг ўзидаёқ Тангри таолога муножот, хамд-таъриф ва илоҳиёт ҳақидаги фалсафий қарашлар тизмаси акс этган. Шу боис дастлабки байтлардаёқ Аттор тан ва рух (жон) бирлиги, ер ва осмон, тўққиз фалак, макон ва ломакон олами — ҳаммаси Мутлакият нуридан эканини айтади. Илоҳ ҳар бир заррада мавжуд, аммо уни кўриш

мумкин эмас. Худо “Ўз борликила ҳам пинхону, ҳам пайдо”, барча ашёлар битта Жавхардан келиб чиккан.

Аттор асарларида ҳам “хар икки олам” — “нариги дунё”, “бу дунё” каби урф бўлган иборалар учраб туради. Лекин буни шоирнинг эътиқоди ифодаси деб карамас-лик керак. Аттор учун олам ягона, бир бутунликдан иборат чексиз-чегарасиз борлик. Хатто Ер бу чексизлик укёнусида бир дона хас мисолидир. Инсон, демак, ундан минг чандон кичик мавжудот. Чексиз каггалик ва чексиз кичиклик, кенглик ва торлик (“кабз”), ёйилиш ва йигилиш, мухтасарлик ва муфассаллик, зарару нафъ, яралиш ва йўколиш, берклик ва ошкоролик, куллу жузъ, котиш ва суюкланиш, тугилиш ва ўлиш, тортилиш ва узоклашиш ва хоказолар, буларнинг мувозанати, зиддиятлари хакида, бу тазодий ходиса-вокеаларнинг “жангу сулхи”, улардан инсон акли, шуури ва рухида пайдо бўлган ўзгаришлар хусусида ёзади. Ана шу ходисалар, ашёлар “жангу сулхи”, ички конуниятлари мохиятидан илохий кудрат мохиятини, сиру синоатини англашга даъват этади.

Фаридиддин Аттор тушунчасига кўра, поёнсиз борлик Зоти мутлак (“жавхари зот”)нинг ижоди бўлиб, Унинг нури билан харакатда, фаолиятдадир. Жавхари зот ўзгармас, азалий ва абадий вужуд (“вожибул вужуд”), бироқ у яратган олам тинимсиз харакат ва ўзгаришда, ички зиддиятларга тўла, эскиради ва янгиланади. Олам Ўша жавхари зотнинг суратланиши, унинг кудратининг минг-минг шаклларда аёнлашиб кўриниши, Унинг номлари, сифатларидир. Шунинг учун Зот оламини Вахдат — ягоналик олами деб, у яратган оламини касрат — кўплик олами деб номлаганлар. Бундай талкин бир карашда вахда-тул вужуд (вужуд ягоналиги ёки ягона вужуд) назариясига тескаридай бўлиб кўринади, чунки борликни вахдат ва касрат деб иккига бўлганимиздан кейип, улар ўзаро зид маъноли тушунчалар бўлиб қолиши мумкин. Аммо ҳамма гап шундаки, касрат олами ўз-ўзича яшай олмайди, у яратилган бўлганлиги учун Жавхари зот туфайли мавжуддир. Яъни мавжудотнинг хар бир зарраси, бутун олам ашёлари, фалакдан малаккача, инсу жинс, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган жамики жонли ва жонсиз нарса-ходисалар Хак таоло нури — тажаллисидан бахраманд ва шу боис хар бири алохида хусусиятларга эга. Касрат олами гўё вахдат оламининг аёнлашуви, инъикоси. Тангри таоло “вужуд олами”нинг хар бир накши-суратида “ўзини намоён этади”, дейди Аттор. Бошқача айтганда, Тангри хохлаган суратда кўринади, дунёнинг барча ажойиботи, асов кудратлару хайратланарли нарсаларни Унинг турли шаклдаги зухурланиши деб билмок керак.

Ба хар кисват, ки мехоҳад барояд,

Ба хар нахше, ки мехоҳад номояд(Фаридиддин Аттор. «Жавхаруз зот». Куллиёти маснавиёт. Лакхнав нашри. 1289 х. йил, 324-бет.).

(Кандай либосдан хохласа чикаверади, хар бир хохлаган суратида намоён бўлаверади).

“Асрорнома”да бу фикр яна аниқроқ ифодаланган:

Жумла зарроти жахон миръоти ўст, Хар чи бини — мусхафи оёти ўст(Фаридиддин Аттор. «Асрорнома». Хиндистон, Лакхнав нашри, 1897, 12-бет.).

(Жахоннинг бутун ашёси — зарралари Унинг кўзгусидир, нимаики кўрсанг, Унинг оятлари китобидан сахифалар деб бил).

Жумла дар тавҳиди ў мустаграҳанд,

Хамчу мустагарак, ки махфи мутлаканд.

Хар чи хаст аз пушти мохи то ба мох,
Жумлаи заррот бар зоташ гувоҳ(Фаридиддин Аттор. «Мантикут тайр». Ўша нашриёт,
1889, 4-бет.).

(Бутун олам Унинг тавхидига гаркдирлар, шундай гарк бўлганларки, мутлак йўқолганлар. Балик оркасидан, яъни Ердан то Ойгача ҳамма нарса Унинг зотига гувоҳдир). Демак, олам Унинг жамоли ва камоли акс этган кўзгу, Унинг илм-хикмати, мўъжизакорлик кудрати ва шукухининг намойишхонаси. Шу тарика, вахдат ва касрат олами бирлашиб, ягона вужудни ташкил этади. Олам Ягона рух вужудининг тажаллисигина эмас, балки шу Рухнинг ўзидан иборат. Худо, шунинг учун ҳам, ҳамма ерда хозир у нозир, барча нарсада Унинг кудрати аён, бошқача айтганда, барча мавжудлик Унинг мавжудлиги туфайли мавжуддир.(Ушбу назария тасаввуф тарихида «вахдатул вужуд» номи билан машхур бўлиб, уни араб олими Мухийиддин Ибнал Арабий номи билан боғлайдилар. Лекин, шуни айтиш керакки, Аттор бирор ерда Ибнал Арабий номини тилга олмайди. Бу тушунарли, чунки Ибнал Арабий Атторнинг кичик замондоши эди. (Аттор 1229, Ибнал Арабий эса 1240 йилда вафот этган.) Ибнал Арабий китоблари хали Эрону Хуросонга тарқалмасдан Атгор бу гоёларни ўз асарларида ифодалаган эди. Шунинг учун Фаридиддин Атторни «Вахдатул вужуд» таълимотининг асосчиларидан деб ҳисоблаш мумкин.) Шоирнинг фикрига кўра, Мутлак рух оламни яратиб, четдан томошабин бўлиб қараб турган эмас. У олам билан бирга, оламнинг вужудида мужассам, олам вужуди Унинг вужудининг давоми: “Эй дин кишиси, дарҳақиқат, нимаики кўрсанг бу аслида Ҳақнинг ўзидир”...

Худди шу фикр кўп мунозараларга сабаб бўлиб, вахдат мохиятини англамаган зохирий билимлар билан чегараланувчи кишилар қаршилигига учраган эди. Жо-мийнинг “Нафахот ул-унс” асарида келтирилган Шайх Абдураззок Кошоний ва Шайх Рукниддин Алоуддавла орасидаги баҳсга эътибор қилинган: Кошоний Борликдаги ҳар бир ашъё-накш шу ашъёни Яратганнинг накши — сурати: денгиз тўлкини янги бўлиб туюлгани билан аслида эски денгизнинг ўзидир, деган маънода тавҳид назариясини ҳимоя этса, Рукниддин унга эътироз билдириб, Ибн ал-Арабий китоблари зарарли экани, шайхларнинг ҳол макоми беҳудлигида айтган гапларини жиддий фикр сифатида қабул қилмаслик ҳусусида гапиради (“Нафахот ул-унс”, Тошканд нашри, 1909 й., 465-475-бетлар).

Айниқса, диний ақоидни ақлий-мантикий усулда ўрганувчи мутакаллимларга вахдати вужуд назарияси ёқмайди. Улар буни қуфр деб ҳисоблаганлар. Зеро, мутакаллимлар фикрига кўра, ҳар бир нарсада худони кўраман дейиш Аллох ягоналигини шубҳа остига олиш билан баробар. Аллох бандасига кўринмайди (гайб), балки сифатлари, жамолу кудрати орқали Унга имон келтирадилар. Бундан ташқари, дунё канчадан-канча киши нафратини келтирувчи палид нарса ва жонзотларга ҳам эга, нахотки ўшаларда ҳам илоҳ зухур этса, бу мантиқданми, деб савол қўяди мутакаллимлар. Сўфийлар эса бу даъволарни авом даражасида фикрлаш, жоҳиллик деб атаганлар ва тажалли назарияси ширкка йўл очмайди, балки воҳиду аҳад Аллох кудратининг чексизлигини идрок этишининг энг мақбул усули деб тушунтирганлар. Тўғрида, ҳар ким ўз даражасида тафаккур этади, ўз нигоҳи билан ҳақиқатни англашга интилади. Шу муносабат билан куйидаги ҳикоятни келтирмоқчимиз, ўйлаймизки, у масалага ойдинлик қилишига кўмаклашади: “Ҳазрати шайх Ахмади Жом бир мажлисда ўтирардилар. Сухбат асносида мутакаллим билан сўфий орасида мунозара бошланади. Мутакаллим дейди: ит ва

мушукда зухур этган худодан безорман. Сўфий эса унга жавоб кайтариб: мен ит ва мушукда зухур этмаган худодан безорман, дейди. Мажлис ахли: бу икковидан бири албатта кофир бўлди-ю, деб ўйлайдилар. Шунда шайх сўз олиб, мунозарага сабаб бўлган масалани тушунтириб, дейди: мутакаллим эътикодига биноан ит ва мушук энг паст махлук ва улар жисмига нурнинг кўшилиши, тажаллий зухури айна нуксондир, бас, унинг максоди нуксонли худодан безор бўлиш, яъни худода нуксонни кўрмасликдир. Ва сўфий ҳам муътакиддирким, ит ва мушукда илохий нурнинг кўшилиб, зухур этишида ҳеч бир нуксон кўринмайди, агар худо ит ва мушукларда зухур этмаганда эди, у нуксонли бўларди. Бас, сўфийнинг ҳам максоди ноқис худодан безорликдир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам худони нуксонлардан холи кўрмокчи ва ҳеч шубҳа йўқки, худо барча нуксонлардан покдир”.

Шайх, Ахмади Жом сўзининг хотимасида кўшиб кўйган: “Ва сўфия ахли кўллайдиган “зухур” ва шунга ўхшаш сўзлардан улар “хулул” (худонинг бирор-бир жисмга сингиши) ва “иттиход” (кўшилиши) тарафдори экан деб ўйламаслик керак, зинҳор бундай эмас”. Шу тарика, ваҳдат ва тавҳид тушунчаларини англашда дин арбоблари билан тасаввуф ахли орасида фарк бўлганини шу мисол ҳам кўрсатиб турибди. Энди Аттор асарлари тахлилига кайтишдан олдин “тавҳид” сўзининг тасаввуф лугатларида қандай маъноларга эга эканини кўриб ўтсак.

Нажмиддин Комиловнинг
"Тасаввуф" китобидан